



НОКИМИ

ҲОКИМИ

ҚАРОР

2000_yil " 3 " и ю л ь

№ 162-Қ

Ташкилот, муассаса ва корхона-ларга иншоотлар қуриш ва фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5 ва 23 моддаларига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ва фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги Нуробод тумани ҳокимининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ва фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида Нуробод тумани ҳокимининг 1999 йил 22 ноябрдаги 554-қ рақамли "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигига қарашли 02855 ҳарбий қисмининг ўқув-моддий базаси қурилиши учун ер ажратиш тўғрисида"ги, 1999 йил 23 ноябрдаги 561-қ рақамли "Жанубий кон бошқармаси Шарқ участкасида ер ости қазилма бойликларини қазиб олиш учун ер ажратиш тўғрисида"ги қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Вилоят ер ресурслари бошқармаси (Ш.Ахмедов)га хўжаликларнинг ер тўғрисидаги ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Бердимуродовга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Рузиев